

## 8-маъруза: Акли заиф болаларнинг шахслараро

### муносабат хусусиятлари

#### РЕЖА:

1. Шахслараро муносабат нима?
2. Нормал болаларда намоён булиши
3. Акли заиф болаларда намоён булиши
4. Шахс нуксонларини коррекциялаш масалалари

Табийки, ҳар бир одам маълум шахс сифатида одамлар қуршовида яшайди. Оиладами, боғча ёки мактабдами, олий укув юртидами, иш жойидами у қандайдир одамлар гуруҳи, қандайдир жамоа билан узига хос муносабатга киришади. Гуруҳ ва жамоалар ҳар доим узгариб туради. Қонкрет шахс эса, булаётган узгаришларга мослашиб, гуруҳ ва жамоадаги одамлар билан мураккаб узаро муносабатларга киришиши керак. Ҳар бир шахс ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли атрофдаги бошқа одамлар билан узаро муносабатга киришмай туриб мутлақо яшай олмайди. Инсон шахсининг гуруҳ ва жамоадаги муносабатларини ижтимоий психология фани урганади. Ижтимоий психология таълимотига қура, икки хил гуруҳ фаркланади. Улардан биринчиси шартли гуруҳ, иккинчиси эса ҳақиқий, реал гуруҳдир. Одамларни маълум белгиларга қараб шартли гуруҳлар ташкил қилиш мумкин. Масалан, ёшга, жинсга, миллатга, касбга қараб ташкил этиш мумкин. Болаларни ёш белгиларига қараб боғча ёшидаги болалар, урта мактаб ёшидаги болалар, усмирлар, қатта мактаб ёшидаги болалар деб шартли гуруҳларга бўлиш мумкин. Маълум жамиятда яшаб, одамлар билан ҳақиқий муносабатга киришиш йули билан ҳосил бўлган гуруҳни реал гуруҳ деб атаймиз. Масалан, ёшлар гуруҳи, талабалар гуруҳи, ишчилар гуруҳи, оила ва шу қабилар реал гуруҳларга мисол бўла олади. Маълумки, одамни меҳнат яратган. Шу сабабли, одамларнинг тарихан биринчи реал гуруҳи меҳнат гуруҳлари бўлган. Реал гуруҳлар борган сари кичиклашиб бораверади. Масалан, инсониятдан сунг миллат, синфлар, жамоа, оила сингари. Шахс шартли гуруҳдаги кишиларнинг ҳам, реал гуруҳдаги кишиларнинг ҳам сузларига назар-писанд қилмаслиги мумкин. Қупчилик ҳолларда шахс узи мансуб бўлган реал гуруҳдаги кишилар билан турлича муносабатларга киришса ҳам, лекин уларни узига яқин тутиб, сирлашмайди. Шунинг учун шахснинг шартли ва реал гуруҳлардан ташқари референт гуруҳи ҳам бўлади. Ҳар бир шахс уз референт гуруҳига эга бўлади. Референт гуруҳдаги одамлар шахсга ҳар томонлама ёқади, шу сабабли шахс уларни ҳурмат қилади ва гапларига қулоқ солади. Масалан, усмир на ота-онаси, на синф раҳбарининг гапларига мутлақо қирмаслиги мумкин. Чунки усмирнинг қучада уз референт гуруҳи бўлади. Ана шунинг учун тарбиячи, синф раҳбари ва қолаверса, ота-оналар болаларнинг ишончларини

козониб, яъни улар билан тил топиб, улар учун референт гуруҳ булиб олишга ҳаракат қилишлари зарур. Ташкил топган гуруҳнинг энг кичик шакли жамоадир. Жамоа деганда – умумий фаолият максадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми ҳисобланган ва ана шу жамият максадларига тула буйсунган одамлар гуруҳини тушунамиз. Ҳар бир жамоа узидан катта жамоанинг бир қисмидир. Демак, одамлар бутун умри давомида кишилар бирлигининг: кичик, дастлабки, шартли, реал, расмий, норасмий, референт гуруҳларида амалга ошади. Кишилар орасидаги алоқалар ҳам турли мазмунда, шаклда булиши мумкин. Буларга ҳиссий муносабатлар, иш юзасидан, кизиқишлар асосида ва бажарилиш йулларига қараб булинишлар қиради. Ақлий нуқсонли болалар ҳам нормал болалар сингари меҳнат ва уқиш фаолиятларида муомалага қиришадилар. Синфда укувчилар фаолият бирлиги, қарашлар ухшашлиги, кизиқишларининг бир-бирларига мос қелишлари билан муомалага қиришадилар. Шу сабабли, турли норасмий гуруҳлар юзага қелади. Ақли заиф болаларнинг муомала гуруҳларининг шаклланиши ва фаолият қурсатиши узининг қатор хусусиятларига эга. Гуруҳларнинг секин юзага қелиши, уларнинг тургун булмаслиги, дифференцирлашмаганлиги билан ажралиб туради. Ақли заиф болаларнинг мактабга қелишлари билан расмий гуруҳларга бирлашадилар. Бу болалар бир қанча муддат бир-бирлари билан сезиларли даражада алоқага қира олмайдилар. Айниқса, бу ҳислатлар тормозланувчан, қасалликлари давом этувчи, шахси қупол бузилган, оғир табиатли болаларда қузга ташланади. Бу нарса уларнинг алоқага интилишларининг йуқлигида, ташаббусларнинг етишмаслигида, болалар билан биргаликдаги уйин ва укув фаолиятларига кизиқишларнинг йуқлигида намоён булади. Агарда нормал укувчиларда норасмий гуруҳлар, фақатгина бошланғич синфларда булса, ақли заиф болаларда эса, бундай тургунсизлик ёрдамчи мактабни битиргунларича сақланиб туради. Шу билан бирга ақли заиф болалар гуруҳига қуп ҳолларда уткинчилик ва тургунсизлик ҳос экан. Ақли заиф болаларнинг ёрдамчи мактабнинг 1-синфига қабул қилингандан бошлаб расмий гуруҳ ташкил топади. Ҳар бир укувчи уқиш, меҳнат ва ижтимоий фойдали фаолиятлар билан боғлиқ булган кизиқиш, максадга эга булади. Уқитувчи томонидан қоррекция таъсир натижасида болалар орасида алоқа тикланиб, синф жамоаси ташкил этилади. Ёрдамчи мактабларда ҳам жамоа ташкил этиш мумкин. Бунинг учун умумий максад, унинг бажарилишини режалаштириш, истикбол белгилаб олиш ҳамда жамоани ривожлантириш йуллари аниқланади. Жамоа аъзолари эса, умумий максадга эришиш учун ҳаракат қиладилар. Шу қараёнда бир-бирларига яқиндан ёрдам бериб борадилар. Ақли заиф болалардаги мавжуд булган психофизик нуқсонларнинг оқибатида узлари мустақил тарзда максад қуя олмайдилар, уларнинг бажарилишини режалаштира олмайдилар. Шу сабабли ёрдамчи мактабларда раҳбарлик ва қоррекциялаш

роли уқитувчига юклатилади. Акли заиф болалар гуруҳлари ва жамоаларида оммавий мактаблардагидек, иш юзасидан ва шахсий алокаларни шахслараро муносабатлар ташкил этади. Акли заиф болаларнинг шахслараро муносабатларида куйидаги хусусиятлар борлиги аниқланган. Синфларда ҳар доим ҳам норасмий лидерларни аниқлашнинг имкони бўлмайди. Оммавий мактабларда куп ҳолларда расмий ва норасмий етакчилар бир шахсда мужассамлашган бўлади. Акли заиф болаларнинг аклий нуқсонлари куп ҳолларда бунга имкон бермайди. Масалан, касаллиги давом этувчи тутканок касали бор болани расмий етакчи қилиш мумкин эмас. Чунки улардаги касд олиш, қаҳрлилик хислати яхши натижаларга олиб келмайди. Иккинчидан, акли заиф болаларда узларидаги нуқсонлари оқибатида мураккаб, шахсий, индивидуал қуринишлар мавжуд. Буларга болалар билан муомалага кириша олмаслик, мулоқотга бўлган талабларнинг пастлиги, хиссий-ирода соҳаларининг купол тарзда бўзилганлиги каби салбий хислатлар киради. Буларнинг барчаси болалар орасидаги муомалани кийинлаштиради. Акли заиф болаларнинг алоқа гуруҳларида баъзан тасодифан етакчилар кузга ташланб қоладилар. Шу билан бирга, баъзан етакчилар орасида салбий шахсий сифатлар ташиб юрувчи ва уз синфдошларига ёмон таъсир этувчи болалар ҳам учраб туради. Акли заиф болалар орасидаги етакчилар ичида ҳам ижобий шахсий сифатларга эга бўлганлари ҳам учраб туради. Узларининг яхши уқишлари, яхши хулқлари билан бошқа болаларга намуна бўладилар. Акли заиф болалар орасида шундай болалар ҳам борки, уларнинг умуман уртоклари йук, синфдошлари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳоллар ҳам учрайди. Акли заиф болалар орасида жуда куп майда гуруҳлар мавжуд. Оммавий мактабларга нисбатан ёрдамчи мактабларда яккаланиб қолган уқувчилар тахминан 3-4 марта куп учрар экан. Бу хислат, албатта нуқсон мазмуни билан боглик. Аслида, жиззаки, тез таъсирланувчан, хафа бўлувчан, хулқи тургун бўлмаган акли заиф болалар яккаланиб қоладилар. Ёрдамчи мактабнинг ҳар бир уқитувчи ва тарбиячиси шажслараро муносабатларнинг психологик хусусиятларини яхши билишлари керак. Шахслараро муносабатлар мазмунини урганиш асосида ҳар бир акли заиф болани тулик урганиш мумкин. Бу билимлар таълим-тарбия ишларини яхши йулга қуйишда ёрдам беради. Жамоа аъзолари орасида оммавий тусдаги ходисалар ҳам учраб турар экан. Бунга мисол қилиб жамоа орасидаги ижтимоий қайфиятни ва ижтимоий вахимани курсатиш мумкин. Жамоада юзага келадиган ижтимоий қайфият ниҳоятда катта ижобий ходисадир. Жамоадаги оммавий ходисалардан яна бири вахимадир. Вахима жамоа аъзолари орасида жуда тез тарқаладиган ходисадир. Қандайдир бир шахс жамоада вахима тарқатиб, жамоа аъзоларини алгов-далгов қилиб юбориши мумкин. Жамоа қанчалик уюшган бўлса, вахима шунчалик секин тарқалади ва аксинча, жамоа қанчалик уюшмаган бўлса, вахима шунчалик тез тарқалади. Бу каби ҳолатлар акли заиф болалар

орасида ҳам учраб туради. Ушбу мавзуга багишланган кимматбаҳо илмий тадқиқот иши Г.Бердиев томонидан амалга оширилган. Муаллиф уз тадқиқоти давомида нормал, аклан заиф болаларнинг шахсий муносабатлари, гурухлар, етакчилар, расмий ва норасмий лидерлар бобида жуда кимматли маълумотларни кулга киритган.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Шахслараро муносабат деганда нимани тушунасиз?
2. Шартли ва реал гурухлар деб нимага айтамиз?
3. Референт гурухни тушунтириб беринг.
4. Жамоа деб нимага айтамиз?
5. Акли заиф болалардаги шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари нималардан иборат?

#### А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Мамедов К., Шоумаров Г. Акли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994, 122-125-бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка. М., 1985, 49-54-бетлар.
3. Крутецкий В.А. Психология. М., 1980, 67-68-бетлар.
4. Вохидов М. Болалар психологияси. Тошкент, 1982, 91-102-бетлар.
5. Кузьмайте Л.И. Некоторые особенности личных взаимоотношений у умственно отсталых детей младших классов. Ж. Дефектология, 1970, № 3.

#### ТАЯНЧ СУЗЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1. Шахслараро муносабат – бола, укувчилар орасидаги турли даражадаги, турли шаклдаги мулоқотлар тизими.
2. Жамоа – бир неча кишининг мақсад бирлиги асосида жипслашуви.
3. Кичик гурух - 2-3 кишидан иборат шахслар уюшмасидир.
4. Расмий гурух - жамият томонидан тан олинган болалар, укувчилар, талабалар гурухларидир.

Илм куп, хаёт киска,  
Нима зарур булса шуни урган